

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.01.2020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА КАМОЛА АБДУНАБИХОДЖАЕВНА

МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА БИЛИШГА
ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Сабирова Камола Абдунабиходжаевна

Мактабгача катта ёшдаги болаларда билишга қизиқишни
шакллантириш технологияси..... 3

Сабирова Камола Абдунабиходжаевна

Технология формирования познавательного интереса детей старшего
дошкольного возраста..... 27

Sabirova Kamola Abdunabikhodjayevna

Technology of forming interest in knowledge in preschool students..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.01.2020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА КАМОЛА АБДУНАБИХОДЖАЕВНА

МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА БИЛИШГА
ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Ped3802 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Джамилова Наргиза Нуриддиновна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдурахимова Дилфуза Алиевна**
педагогика фанлари доктори (DSc)

Артиқова Мухайё Ботиралиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” “_____” куни тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

З.Мамаражабова
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Д.Б.Якубжанова
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш технологиялари амалиётга татбиқ этилмоқда. АҚШ, Германия, Англия, Япония, Жанубий Корея, Россия каби ривожланган давлатларда мактабгача ёшдаги болаларни ҳамкорликдаги фаолиятга мақсадли йўналтириш, тарбияланувчиларда билишга қизиқишни шакллантиришда ривожлантирувчи таълим технологияларидан самарали фойдаланиш, болалардаги индивидуал қизиқишни ижтимоий рағбат билан уйғунлаштиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, кооператив таълим элементларини машғулотлар жараёнида тизимли-модулли ёндашув асосида жорий этиш амалиётига оид йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда мактабгача катта ёшдаги болалар интеллектини ривожлантиришнинг нейропедагогик имкониятларини аниқлаштириш, тарбияланувчиларнинг когнитив-амалий фаолият тажрибасини шакллантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш, билишга қизиқишнинг тўрт босқичли (қисман вазиятли, вазиятли, индивидуал, мустақил) модели асосида болаларнинг когнитив компетенциясини ривожлантиришга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш омиллари таъсирини эмпирик нуқтаи назардан баҳолаш ва таҳлил қилиш, когнитив-креатив муҳит асосида тарбияланувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини рағбатлашнинг дидактик тизимини такомиллаштириш, когнитив ўқитиш технологияларини ҳаётий тажрибага асосланган витаген таълим билан интеграциялаш бўйича илмий татқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда “боланинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни таъминлаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини, оилага, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига хурмат билан муносабатда бўлиш, атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатни шакллантириш; бола шахсини шакллантириш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ижтимоий тажриба орттиришини таъминлаш, жамиятга мослашиши ва бошланғич таълимга тайёрлигини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларни жорий этиш”¹ устувор вазифалар этиб белгиланган. Натижада, ўзини ўраб турган борлиқни онгли идрок қилиш, эгалланган билим, кўникма ва малака, амалий фаолият тажрибасини кундалик ҳаётий вазиятлар ва ўқув жараёнида фойдаланиш лаёқатини ўзида ифода этувчи билишга оид компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари кенгайтирилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида. ВМК-391-сон. 2019 йил 13 май. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2019 й., 09/19/391/3120-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон “Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарориди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларнинг билиш ва фикрлаш фаоллигини ошириш, боғланишли нутқини ўстириш, оила ва мақтабгача таълим ташкилотининг когнитив фаолиятдаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш, мақтабгача катта ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементлари, ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш А.Шин, Ф.Қодирова, Д.Абдурахимова, М.Аъзамова, М.Бердиева, Д.Бобоева, К.Мамедов, Н.Режаметова, Д.Собирова, И.Туйчиева, А.Хўжакулов, Т.Чаброва, Ш.Шодмонова, Ш.Содиқова, М.Аюпова, Н.Абдуллаева, З.Азизова, Г.Назирова, И.Тўйчиева кабилар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан С.Белова, Л.Божович, В.Бондаревский, Л.А.Гордон, В.Зайцев, Е.Крюкова, А.Маркова, Н.Морозова, С.Рубинштейн, Ф.Савина, Н.Садикова, В.Сериков, Г.Шчукина кабилар билишга қизиқиш ва эҳтиёж намоён бўлишининг педагогик-психологик имкониятлари, болаларнинг билиш фаоллигини оширишда интенсив таълимдан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этган.

М.Эйнли, Ж.Александр, Д.Берген, М.Шуинар, В.Данлоп, С.Хиди, Ж.Жонсон, А.Крапп, Б.Лавин, М.Лейбхэм, К.Реннингер, У.Шифиле, Ж.Сингер каби хорижий тадқиқотчилар қизиқиш, билиш, психологик жараёнлар ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги, болалар билиш фаолиятининг ёш ва гендер хусусиятлари, болаларга хос қизиқувчанлик ва когнитив ривожланиш механизмлари, мақтабгача таълимда амалий тажрибаларни ўтказиш йўллари тадқиқ этган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170927124 – “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган. (2017-2019 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

билишга қизиқишни шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини таҳлил қилиш;

билишга қизиқишни шакллантириш амалий фаолият тажрибасини такомиллаштириш;

мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш моделини такомиллаштириш;

ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш орқали болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш технологияларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, Тошкент шаҳри Яккасарой тумани 250- ва 323-сонли ДМТТ, Фарғона вилояти Қўқон шаҳри 9- ва 27-сонли ДМТТ, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 9- ва 19-сонли ДМТТ 408 нафар тарбияланувчиси жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда педагогик-психологик, методик адабиётлар, педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, педагогик кузатиш, назарий ва амалий тавсифга асосланган моделлаштириш, сўров-диагностик (сухбат, сўровнома) ҳамда математик-статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишининг мотивацион-рағбатловчи, мазмунли-фаолиятли, эмоционал-баҳоловчи компонентлар интеграцияси ҳамда ижодий фаолликка йўналтирувчи ҳамда ўз-ўзини намоён этиш функцияларни ривожлантириш жараёнларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш амалий фаолият тажрибасини таркиб топтирувчи сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, биргаликдаги фаол ҳаракат орқали ўз-ўзини намоён этиш ҳамда шахсий фаолликни оширишга интилувчан тарбияланувчининг шахсий салоҳиятини ўзаро адаптив интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш модели ҳамкорликда ўқитишнинг ўйинли, коммуникатив, ижодий, саводхонликни ошириш билан боғлиқ турларини биргаликда-индивидуал, ҳаракатланувчи, кетма-кет шакллар билан уйғунлигини мета-анализ методи орқали болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш босқичма-босқич жадаллаштириш алгоритминини татбиқ этиш асосида такомиллаштирилган;

болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш орқали шахсий ва ҳаётий вазиятга доир элементларини қўллаш, тарбияланувчиларнинг фаоллигини ошириш, мустақиллик ва ҳамкорликни таркиб топтиришга йўналтирилган методик шарт-шароитлари ёш хусусиятларига мувофиқ воқеликка доир тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасини рефлексив ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Мақтабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш технологияси” номли кўшимча машғулотлар дастури ишлаб чиқилган;

мақтабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришга доир ривожлантирувчи машқлар мажмуи ишлаб чиқилган;

мақтабгача таълим ташкилотида болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

оилада болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришга доир ота-оналар учун педагогик-психологик ва методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда мақтабгача ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва чет эллик олимлар, шунингдек, билиш фаолиятини ташкил этишга доир иш тажрибаларга асосланилгани, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи методларнинг қўлланилгани, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминлангани, тажриба-синов ишларининг валидлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “билиш”, “қизиқиш”, “билишга қизиқиш”, “билиш фаолияти” каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятининг ёритиб берилгани, мақтабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг ёш ва педагогик-психологик ўзига хосликлари аниқлаштирилгани, мақтабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш компонентлари ва функцияларининг белгилаб берилгани, ҳамкорликдаги фаолиятнинг болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришга доир дидактик имкониятлар очиб берилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мақтабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг педагогик модели, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш турлари ва шакллари қўллаш бўйича методик кўрсатмалар, мақтабгача таълим ташкилотларида ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш технологиясини қўллаш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилгани, мақтабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг методик шарт-шароитлари такомиллаштирилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқиши мотивацион-рағбатловчи, мазмунли-фаолиятли, эмоционал-баҳоловчи компонентлар интеграцияси ҳамда ижодий фаоллика йўналтирувчи ҳамда ўз-ўзини намоён этиш функцияларни ривожлантириш жараёнларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга доир таклифлар Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфидаги ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2022 йил 22 апрелдаги 03-03/2-965-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг методик жиҳатларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш амалий фаолият тажрибасини таркиб топтирувчи сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, биргаликдаги фаол ҳаракат орқали ўз-ўзини намоён этиш ҳамда шахсий фаолликни оширишга интилувчан тарбияланувчининг шахсий салоҳиятини ўзаро адаптив интеграциялаш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфидаги ПЗ-2017-0927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2022 йил 22 апрелдаги 03-03/2-965-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришда интерактив воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш модели ҳамкорликда ўқитишнинг ўйинли, коммуникатив, ижодий, саводхонликни ошириш билан боғлиқ турларини биргаликда-индивидуал, ҳаракатланувчи, кетма-кет шакллар билан уйғунлигини мета-анализ методи орқали босқичма-босқич жадаллаштириш алгоритминини татбиқ этиш асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфидаги ПЗ-2017-0927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2022 йил 22 апрелдаги 03-03/2-965-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача таълим ташкилотларида когнитив технологияларни қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш орқали шахсий ва ҳаётий вазиятга доир элементларини қўллаш, тарбияланувчиларнинг фаоллигини ошириш, мустақиллик ва ҳамкорликни таркиб топтиришга йўналтирилган методик шарт-шароитлари ёш хусусиятларига мувофиқ воқеликка доир тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасини рефлексив ҳисобга олиш асосида такомиллаштиришга доир таклифлар Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфидаги ПЗ-2017-0927124

рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2022 йил 22 апрелдаги 03-03/2-965-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришда методик воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга шароит яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 5 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 130 саҳифа асосий матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача катта ёшдаги болаларда билишга қизиқишни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш педагогик муаммо экани, ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнида билишга қизиқишни шакллантиришнинг ўзига хосликлари ҳамда педагогик модели ёритиб берилган.

Болаларнинг ўқув жараёнидаги иштироки ва фаоллигининг намоён бўлиши – бу ривожланиб боровчи, ўзгарувчан жараён. Педагог ёрдамида болаларнинг билиш фаоллиги куйи даражадан вазиятли-фаолликка, ундан фаол ижрочиликка ўтиб боради. Боланинг билиш фаоллиги ижодийлик даражасига кўтарилиши ёки кўтарилмасдан қолиши кўп жиҳатдан бевосита педагогга боғлиқдир. Дидакт олимларнинг ишларида шу нарса яққол кўринадики, ўқув жараёнида педагог ва болалар орасидаги муносабат субъект-субъект тавсифига эга бўлиши зарур. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим – бу кенг тарзда социумнинг бўлажак аъзосини умумий меҳнат, ҳамкорликка ўргатиш учун зарур бўлган биргаликдаги фаолият.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган “Илк қадам” мактабгача таълим ташкилоти ўқув дастурининг “Билиш жараёнининг ривожланиши” соҳаси қуйидаги вазифаларни ҳал этиш орқали болаларнинг билишга қизиқишини ривожлантириш мақсадини амалга оширади: сенсор ривожланиш; билиш-изланишли, продуктив (конструктив) фаолиятни ривожлантириш; элементар математик тасаввурларни шакллантириш; оламнинг яхлит манзарасини шакллантириш, болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш.

Билиш – бу объектив борлиқ тавсифининг онгдаги ифодасидир. У ҳис-туйғулар (бошқа одам руҳиятидагиларни ҳис қилиш), фикрлар (фикрлаш), тил (интерпретация) ва хатти-ҳаракатда (мақсадга эришиш бўйича ҳаракатлар) намоён бўлади. Бошқа томондан, билиш жараёни – бу нарса-ҳодисалар ҳақида ҳақиқий ва улар ҳақида оддий билимларни ўзлаштириш мақсадини акс эттирадиган инсон интеллектуал фаолияти жараёни. Шунинг учун жараённинг ўзи инсондаги билимлар ва уларнинг таянчидан фойдаланишни ўзида акс эттиради. Агар умумий тарзда қарайдиган бўлсак, билиш – мазмунида янгисини ишлаб чиқиш учун мавжуд билимлардан фойдалана олиш акс этадиган маънавий фаолият.

Боланинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланишнинг узок йўлига эга бўлиши мумкин: айрим ўқув ҳаракатлари таъсирчисидан то бутун фаолиятининг устувор мотивигача. Хатто фаолиятнинг етакчи мотивларидан бирига айланиб, қизиқиш шахснинг маънавий бойишига кўмаклашувчи умумий йўналганлигининг аҳамиятли қисмига айланиши мумкин.

Билишга қизиқишни шакллантириш муаммосини таҳлил этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бола фаолиятини ташкил этиш жараёнида билишга қизиқиш ўзининг авж нуқтаси, ўзининг кўрсаткичига эга, тарбиячи буни аниқ илғай олиши, диққат билан таҳлил қилиши муҳим, зеро бу умумий маънода фаолиятнинг самарадорлиги кўрсаткичидир.

2. Болалар билишга қизиқишларининг тобора истиқболли йўналиши қизиқишнинг фаолият бошидан охиригача изчил ўсиб боришидир, бунда болалар ишга берилиб кетади ва уларда фаолиятни ташкил этиш жараёнида қилиб улгурмаганини давом эттириш истаги пайдо бўлади.

3. Фаолият жараёнида билишга қизиқишнинг аста-секин сўниб бориши уни рағбатламайди, балки сўндиради ва қизиқтиришни ҳар сафар бошидан бошлаш лозим бўлади.

Шунингдек, тадқиқот натижалари асосида билишга қизиқиш нафақат барқарор, балки бир предметни бошқаси билан қиёслаш орқали билиш жараёнини кенгайтиришга имкон берувчи, объект ёки жараённинг ўзини бевосита мотивлаштирувчи билиш фаолиятида намоён бўладиган шахс интегратив сифати эканлиги аниқланди. Тадқиқот доирасида билишга қизиқиш шахс интегратив сифати тарзида мотивацион-рағбатловчи, мазмунли-фаолиятли ва эмоционал-баҳоловчи компонентларни ўз ичига олиб, бир пайтнинг ўзида шахсий функцияларни (мотивацион, қадриятли-мазмунли,

йўналтирувчи, ижодий, мустақиллик, ўз-ўзини намоён этиш, рефлексия) ривожланишини таъминлаши ҳақидаги хулосага келинди (1-расмга қаранг).




1-расм. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш тузилмаси

Билишга қизиқиш компонентларининг ҳар бирининг шаклланганлик даражаси қанча юқори бўлса, шахсий функциялар ҳам шунчалик ривожланиб боради. Бу эса, мактабгача катта ёшдаги боланинг шахси сифатида ривожланишига жадал таъсир кўрсатади.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, 1-расмда кўрсатиб ўтилган тузилма ҳамкорликдаги фаолият жараёнида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш учун асос вазифасини бажарди (2-расмга қаранг).

2-расмдан кўриниб турибдики, мактабгача катта ёшдаги болаларда билишга қизиқишни шакллантиришда ҳамкорликдаги фаолият муҳим роль ўйнайди. Билишга қизиқишни шакллантириш мақсадида ҳамкорликни таъминлаш воситаси сифатида шахсий ривожланишга хизмат қилувчи ўзаро биргаликдаги хатти-ҳаракатнинг хилма-хил шакллари ишлаб чиқиш ва фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.



2-расм. Ҳамкорликдаги фаолият асосида мактабгача катта ёшдаги болаларда билишга қизиқишни шакллантиришнинг педагогик модели

Шу билан бирга, ҳамкорликдаги фаолият асосида болаларнинг билишга қизиқишини педагогик қўллаб-қувватлаш алоҳида долзарблик касб этади. Тарбиячи фасилитатор сифатида болаларнинг фаолиятини ташкил этиш орқали контекстуаллик, комплементаторлик, компенсаторлик функцияларини муваффақиятли бажариши лозим. Болалар фаолиятини педагогик қўллаб-қувватлаш болаларнинг нафақат билишга қизиқишини оширади, балки уларда амалий фаолият тажрибасини шакллантиришни ҳам рағбатлайди.

Диссертациянинг **“Мактабгача таълим ёшдаги болаларда билишга қизиқишни шакллантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг асосий йўналишлари, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш орқали болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш мазмуни, ҳамкорликда ўқитиш технологияси асосида болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш йўллари ёритиб берилган.

Маълумки, бола тафаккури, қизиқиши, хаёлот олами ва мойилликлари, асосан, мактабгача катта ёшдан шаклланиб индивидуал қиёфа касб эта бошлайди. Бу даврда ўрганилиши кўзда тутилган фаолият асосларининг ҳар бири боладаги ҳиссий-иродавий хусусиятлар ва билиш жараёнларининг қайсидир бирига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Масалан, элементар математика фаолиятида мантикий тафаккур ва хотира; бадий адабиёт фаолиятида ҳис-туйғу, нутқ маданияти, коммуникативлик; нутқни ривожлантириш фаолиятида боғланишли нутқ, ижодий фикрлаш; расм чизиш машғулотларида тасаввур, хаёл, фантазия; жисмоний тарбия фаолиятида ирода, характер хусусиятларини тарбиялаш мақсадига оид таълимий вазифалар амалга оширилади.

“Илк қадам” давлат ўқув дастурига мувофиқ, “Билиш жараёнининг ривожланиши” куйидаги кичик соҳаларни ўз ичига олади: интеллектуал-англаш ва элементар-математик малакалар ҳамда тадқиқий билиш ва самарали рефлексив фаолият.

Жамият томонидан мактабгача таълимнинг катта ёшдаги гуруҳлари олдида қўйиладиган энг муҳим вазифалар билан боғлиқ болаларнинг товушларни тўғри талаффуз қилиш кўникмалари, боғланган нутқи ва товуш маданиятини ривожлантириш ва ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш талаби заминда билишга қизиқишни шакллантириш масаласи туради. Зеро, мактабгача таълимнинг “Илк қадам” давлат дастури асосида “Нутқ ўстириш” фаолияти ишланмаларида болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш масаласи ҳам ўрин олган. Шу боис педагог-тарбиячи болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришда амалий вазифаларни ҳал этиши лозим. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун тарбиячи, биринчидан, нутқ ўстириш бўйича иш мазмуни, хусусан, болалар ўзлаштириши зарур бўлган аниқ нутқий малакаларни, иккинчидан эса, таълимни ташкил қилиш усуллари, тегишли машқ турлари кабиларни аниқ тасаввур қилиши муҳим. Бошқача айтганда, у ёки бу грамматик-орфографик кўникмаларни шакллантиришда билишга қизиқиш қандай ўрин тутишини аниқлаб олиши лозим.

Мактабгача таълим нутқ ўстириш методикасида болалар ақлий фаолиятини ривожлантиришга доир бир қатор мантиқий, конструктив ва ижодий машқлар кузатилади. Ижодий машқлар, асосан, болаларнинг эркин равишда гап, матн ва ҳикоя тузиш асосида бажарилади.

Мактабгача тарбия ёшида математикани ўргатиш болаларни теварак-атрофдаги дунёда нималар бўлаётганини тўлиқ, мантиқан баҳслашишга одатлантиришга ёрдам беради. Математик билимларни ўзлаштиришда, болалар таққослайди, хулоса чиқаради, математик боғланишлар ва муносабатларни ўрганади.

Математик мазмуннинг ўзлаштирилиши фикрнинг тушунарлилиги, аниқлиги ва мантиқийлиги, символлардан фойдаланиш, боғланишлар ва муносабатларни очиб бериш, кузатилганларни умумлаштириш ва изоҳлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу хусусиятлар замонавий жамиятда инсоннинг фикрлаш тарзини акс эттиради.

Болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришда тадқиқий фаолият ва рефлексия ҳам муҳим ўрин тутди. Рефлексия – бу шахсий фикр ва кечинмаларини таҳлил қилишга йўналтирилган мулоҳаза юритиш. Шахсий хатти-ҳаракатларни англаш, фикрни таҳлил қилиш, идрок этиш ва билишнинг бошқа шакллари ёрдамида бола дунёни фаол англаб боради. Рефлексия туфайли бола билиш ва фаолиятнинг асл субъектига айланади.

Болаларда рефлексив кўникмаларни шакллантириш учун уларни таҳлилий фикрлашга ўргатиш ва шу асосда рефлексив фаолиятни ташкил этиш мумкин. Чунки таҳлилий-тадқиқий билиш боланинг ўзи томонидан янги тушунчаларни мустақил равишда ўзлаштириш жараёнида вужудга келади. Ўрганилаётган янги тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини болалар томонидан мустақил равишда таҳлил қилиниши уларнинг тадқиқий билиш фаолиятини рағбатлайди.

Билиш жараёнининг ривожланиш соҳаларига мувофиқ, “яқин ривожланиш соҳаси” (Л.Виготский), таълим мазмунининг ривожлантирувчи функциясини жадаллаштириш (Л.Занков), инновацион-дидактик (В.Шаталов, С.Лысенкова, И.Волков), муаммоли таълим (А.Матюшкин), ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш (П.Гальперин), ривожлантирувчи билиш фаолияти (Д.Эльконин, В.Давидов), лингводидактик (Ф.Қодирова), мактабгача SMART-таълим (А.Шин), қизиқишни қадамба қадам ривожлантириш (Сюзанна Хиди, К.Энн Реннингер) концепцияларига таянган ҳолда мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг педагогик технологияси ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш технологиясини амалиётга жорий этиш учун етакчи восита сифатида болаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти белгилаб олинди. Болаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини педагогик нуктаи назардан мақсадга мувофиқ ташкил этиш бола шахсини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади ва ҳар томонлама ривожланишига олиб келади.




3-расм. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг педагогик технологияси

Ҳамкорликдаги фаолият тузилмасининг марказий компоненти унинг мақсади ҳисобланади. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг умумий мақсади сифатида одатда фаолиятнинг гуруҳий субъектлари интиладиган идеал тарзда тақдим этилган умумий натижа қаралади. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг психологик тузилмасининг яна бир муҳим компоненти иштирокчиларни биргаликда ҳаракатга ундовчи умумий мотивлар саналади. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг жорий вазифаларини бажаришда ўзаро биргаликдаги ҳаракат ва самарали фаолиятнинг натижаси юзага келади. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг умумий тузилмасига шунингдек, якунида иштирокчилар эришадиган педагогик натижа ҳам киради. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, педагогик самара ҳамкорликдаги фаолият жараёнида болалар томонидан қўлга қиритилган натижа билан бир хил бўлмайди. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг ҳар бир иштирокчисининг рефлексияси эришилган натижани баҳолаш вазиятида муҳим ўрин тутади.

Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишнинг хилма-хил шаклларида иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини тавсифловчи жараёнлар болаларнинг биргаликдаги самарали ҳаракатини аниқ тасаввур қилиш имконини беради. Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишнинг асосий – биргаликда-индивидуал, биргаликда кетма-кет, биргаликда-ҳаракатланувчи шакллариининг ўзаро туташган қисмлари уларни ажратишнинг шартли тавсияга эгаллигини кўрсатади.

Ўзаро биргаликдаги ҳаракатни ташкил этишнинг мазкур шакллари универсал тавсифга эга бўлиб, фаолиятнинг тури ва кўринишига тўғридан-тўғри боғлиқ эмас. Улар болалар фаолиятини ташкил этишнинг ўйин, ўқув-билув, тасвирий, мусикий, спорт, театрлаштирилган фаолият мазмунига мувофиқ амалга оширилади.

Билишга қизиқиш болаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишнинг барча турларини ўзида акс эттиради. Шунинг учун билишга қизиқишни шакллантириш технологиясининг навбатдаги элементи сифатида болаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш турлари белгиланди. 4-расмда мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришга доир ҳамкорликдаги фаолият турлари келтириб ўтилган.



4-расм. Болаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишнинг асосий турлари

Қуйида мазкур ҳамкорликдаги фаолият турлари асосида лойиҳаланган машғулоти ишланмаларидан лавҳаларни келтириб ўтамиз.

1. “Бизнинг ёрдамчиларимиз – маиший асбоблар” мавзусидаги ўйин машғулоти.

Машғулотнинг вазифалари:

таълимий: тарбияланувчиларга маиший техниканинг аҳамиятини тушунтириш, уларда хотира, фикрлаш, тасаввурни кенгайтириш;

ривожлантирувчи: болаларнинг билишга қизиқишларини ошириш, уларнинг нутқини ривожланишига ёрдам бериш;

тарбиявий: маиший техника билан ишлаганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, жиҳозлардан эҳтиёт бўлиб фойдаланишга ўргатиш.

2. “Шамол қандай пайдо бўлади?” мавзусидаги амалий тажриба.

Мақсад: шамол – ҳавонинг ҳаракати деган хулосани амалий исботлаш.

Керакли жиҳоз: қоғоз парчалари, дафтар, шар

Тажрибанинг бориши: катталар қоғоз парчаларини стол устига сочиб, дафтар билан елпийдилар, улар учиб кетади.

Пуфланган шар оғзини қоғоз парчаларига тўғрилаб бўшатилади, шардан чиқаётган ҳаво қоғоз парчаларини учириб юборади.

Хулоса: шамол – ҳавонинг ҳаракати экани исботланди.

3. “Севимли китоблар” мавзусидаги машғулот.

Машғулотнинг вазифалари:

таълимий: тарбияланувчиларнинг китоб ҳақидаги билимларини бойитиш, уларни китоб ўқишга қизиқтириш;

тарбиявий: болаларни китобхонликка ўргатиш, уларнинг жамоа бўлиб ишлаш кўникмасини шакллантириш;

ривожлантирувчи: болалар нутқини ўстириш, уларнинг сўз бойлигини ошириш.

4. “Ўзбек миллий либослари” мавзусидаги слайдлар асосидаги суҳбат.

Таълимий фаолият вазифалари:

таълимий: тарбияланувчиларда миллий либосларга нисбатан қизиқиш уйғотиш, миллий кадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш;

тарбиявий: миллий анъаналарга нисбатан эҳтиром уйғотиш;

ривожлантирувчи: тарбияланувчиларнинг нутқини ўстириш, уларнинг сўз бойлигини ошириш.

Диссертациянинг **“Мақтабгача катта ёшдаги болаларда билишга қизиқишни шакллантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантиришнинг диагностик воситалари, тажриба-синов ишлари натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Тадқиқот доирасида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишини шакллантириш самарадорлигини аниқлаш мақсадида “Менинг севимли фаолиятим”, “Қайси бирини танлайсиз?”, “Шакллардан қисмлар ясаш”, “Таснифлаш”, “Шаклларни таққослаш” каби тестлар тавсифи ва қўллаш методикаси ёритиб берилди.

Шунингдек, билишга қизиқишни шакллантириш компонентларига мувофиқ (компонентлар ўз навбатида мезонлар сифатида ҳам қабул қилинди – таъкид бизники), куйидаги кўрсаткичлар белгилаб олинди:

1) мотивацион-рағбатловчи компонент кўрсаткичлари: билиш мотивларининг мавжудлиги; фаолият ва машғулотлар жараёнидаги ўрганилган билимларнинг шахсий аҳамиятининг англанданлиги, яъни ички (интернал) мотивацияни ривожланиш соҳаси билан уйғунлиги;

2) мазмунли-фаолият компоненти кўрсаткичлари: билишнинг кичик соҳалари бўйича билимларни эгаллаш эҳтиёжининг мавжудлиги; болаларнинг тадқиқий билиш ва рефлексияга мойиллиги; ижодий-продуктив тарзда билишга интилиш; билиш фаоллиги; билиш мустақиллиги; ҳамкорлик (жуфтлик ва кичик гуруҳларда ишлаш).

3) эмоционал-баҳоловчи компонент кўрсаткичлари: билиш фаолиятига ижобий ҳис-туйғунинг мавжудлиги; рефлексивлик (ўзининг ютуқлари ва камчиликларини баҳолай олиш).

Тажриба-синов ишлари бир неча босқичда амалга оширилди. Тайёрлов босқичида болалар шахси ва тарбиячининг фаолият услуби ўрганилди. Биринчи – аниқлаштирувчи босқичнинг асосий вазифаси мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишининг мавжуд ҳолатини ўрганишдан иборат бўлди. Аниқлаштирувчи тажриба-синов ишлари аввалида шахсга йўналтирилган ёндашув асосида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг билишга қизиқишининг шаклланиш даражаси аниқлаштирилди. Иккинчи – шакллантирувчи босқичнинг вазифаси тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган модел ва методик шарт-шароитларнинг самарадорлигини баҳолаш этиб белгиланди.

Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳри, Фарғона ва Сирдарё вилоятларидаги мактабгача таълим ташкилотларида ўтказилди. Ҳар бир МТТда назорат ва тажриба гуруҳлари шакллантирилди (1-жадвалга қarang).

1-жадвал

Тажриба-синов объектлари ва респондент-тарбияланувчилар сони

Т/р	Тажриба-синов объектлари сифатида белгиланган МТТлари	Респондент-тарбияланувчилар сони		
		Жами	Назорат	Тажриба
1.	Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 250-сонли ДМТТ	59	32	27
2.	Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 323-сонли ДМТТ	53	28	25
3.	Фарғона вилояти Қўқон шаҳри 9-сонли МТТ	51	24	27
4.	Фарғона вилояти Қўқон шаҳри 27-сонли МТТ	79	38	41
5.	Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 19-сонли МТТ	100	42	58
6.	Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 9-сонли МТТ	66	36	30
	Жами	408	200	208

